

ИМОМ БУХОРИЙ АҚИДАВИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7663292>



ELSEVIER



Foundation of Advanced Research Sciences

Zokhidzhon A. Abdullaev

Research fellow of Imam Maturidi
International Scientific Research Center.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: zahid81aza@gmail.com



Abstract: Имом Бухорий бошқа масалалар каби эътиқодий масалаларда ҳам, салафи солиҳ аҳли ҳадисларнинг издошларидан бўлиб, уларнинг йўлларини маҳкам тутган. Шу эътиборга кўра, унинг ўзи ҳам салаф-солиҳ имомлардандир. Унинг сўзлари салафи солиҳ ақидасини исбот этишда ва аҳли сунна вал жамоанинг муҳолифларига раддия беришда илм аҳли ҳузурда ўзига хос аҳамият ва илмий кадр-қимматга эга.

Ушбу мақолада олимнинг машҳур “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари ва Ҳиббатуллоҳ Лолақойининг “Шарҳ усул эътиқод аҳли ас-сунна вал жамоа” асарида келган баъзи маълумотлар орқали Имомнинг эътиқодий қарашлари ҳақида сўз юритилади.

Keywords: Имом Бухорий, салаф-солиҳ, иймон, аҳли сунна вал жамоа эътиқоди, тавҳид, Имом Бухорий эътиқоди, сифатларларга иймон.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 21-02-2023

Accepted: 22-02-2023

Published: 22-02-2023

КИРИШ

Маълумки, имом Бухорий ўзининг машҳур асари “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” да Пайғамбар алайҳиссаломдан ўзигача етиб келган ҳадисларнинг саҳиҳларини саралаб жамлаган ва у бу йўналишда яъни, саҳиҳ ҳадисларни алоҳида китобга ажратиб ёзиш бўйича йўлбошчи бўлган. Шунингдек, асарда барча диний мавзулар қатори ақидага оид масалалар ҳақида келган ҳадислар ҳам ёритиб ўтилган бўлиб, асар ўрганилар экан, олимнинг иймон, тавҳид, сифатлар, қадар, охират, жаннат-дўзах, имомат ва саҳобийлар каби мавзуларда кўплаб эътиқодий масалалар ҳақида сўз юритганига гувоҳ бўлинади. Шунга кўра, ушбу мақолада олим сўз юритган ақидавий мавзулар билан мухтасар шаклда танишиш орқали, унинг эътиқодий қарашлари ҳақида таҳлилий маълумот беришга ҳаракат қилинади.

Асосий қисм

Биринчи: Иймон масаласи; олим ўзининг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида “Ваҳийнинг бошланиши китоби”дан сўнг иккинчи китоб сарлавҳасини “Иймон китоби” деб номлади ва уни ваҳийдан кейинги ўриндаги иккинчи даражага қўйди. Албатта, бу билан аллома ваҳийдан сўнг ваҳийни нозил қилган Зотга ва У Зот таълаган пайғамбарлари орқали Ундан келган барча хабарларга иймон келтиришга ишора қилган, дейилса муболаға бўлмайди. Олим ушбу китобда иймонга тааллуқли бир қанча масалаларни ўз услубида ёритган.

Масалан, биринчи боб Иймон ва Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг “Ислом беш нарсага бино қилингандир” деган сўзлари ҳақида, деб бошланган.

У (иймон) сўз ва амалдир, зиёда ҳам, ноқис ҳам бўлади. Аллоҳ таоло айтади: “...иймонларига иймон зиёда бўлиши учун...” (Фатҳ сураси, 4-оят). “**Ва уларга янада зиёда ҳидоят бердик**” (Каҳф сураси 13-оят). “**Ва Аллоҳ ҳидоятга юрганларнинг ҳидоятини зиёда қилади**” (Марям сураси, 76-оят)¹¹², деб ўз сўзига оятлар ва ҳадис ривоятлари билан далиллар келтириб давом этади. Эътибор берилса аллома амални иймоннинг аслидан санаб, унинг зиёда ва нуқсонли бўлишини таъкидлайди. Аммо, “Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи бу масала хусусида куйидагиларни айтган: “Бу баҳс лафзийдир. Чунки иймондан мурод фақат тасдиқ бўлса, у ҳолда бу зиёдалик ва нуқсонни қабул қилмайди. Агар тоатлар ҳам ундан бўлса, буларни қабул қилади”. Сўнг айтдиларки: “Тоатлар тасдиқни мукамал қилади. “Иймон зиёдалик ва нуқсонни қабул қилмайди” деган сўзга келтирилган далилларнинг ҳаммаси иймоннинг асли бўлган тасдиққа бурилади. “Иймон зиёдалик ва нуқсонни қабул қилади” деган сўзга далолат қиладиган ҳамма нарса тасдиқ билан амалдан иборат комил иймонга тааллуқлидир” (“Умдатул Қорий шарҳу Саҳиҳил Бухорий”, “Иймон китоби”).

Бу сўзлар “Иймоннинг зиёда ва ноқис бўлиши ҳақида”ги 34-бобга ҳам тегишли. Бухорий ва бошқа муҳаддисларга кўра, банданинг иймони унинг дин амалларида бардавом бўлишига қараб зиёда бўлади ва доимий нуқсонга йўл қўйишига қараб камаяди. Имом Абу Ҳанифага кўра ҳам иймон зиёда ва ноқис бўлади. Бироқ иймоннинг айни ўзи эмас, балки сифати шундай хусусиятга эга¹¹³.

Аллома ушбу китоби¹¹⁴ни қирқ уч бобга тақсимлаган бўлиб, унда иймонга тааллуқли турли хил масалаларда элликта ҳадис, умумий ўттиз еттита оят ва бир қанча ривоятларни зикр қилган. Шу зикр қилган далилларига кўра, ўзининг “иймон” истилоҳига оид эътиқодий қарашлари қандай эканини баён этган.

Иккинчи: Тавҳид, Исмлар – Сифатлар; Имом ўзининг саҳиҳида ақидага тааллуқли яна бир китобни тақдим этади. У ҳам бўлса, “Тавҳид китоби” бўлиб, унинг эътиқодга боғлиқ кўп қарашларини ўз ичига олган. Албатта, “Тавҳид китоби” “Саҳиҳ”даги энг манфаатли ва энг буюк китоблардан бўлиб саналади. Олим унда Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилинган кўпгина ҳадисларни жамлаган ва гўзал услубда бобларга тақсимлаган.

¹¹² Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. Дамашк – Байрут: Дар ибн Касир, 2002. – Б. 12.

¹¹³ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳул Бухорий – Олтин силсила. Ж. 1. – Тошкент: “HILOL NASHR”, 2019. – Б. 130.

¹¹⁴ Саҳиҳул Бухорийдаги “Иймон китоби” назарда тутилган.

Шунинг билан бирга, эътиқодий масалаларда мубтадиъ тоифаларга раддия бўладиган, салафи – солиҳларнинг асарларини келтирган.

Масалан, биринчи боб Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларини Аллоҳ табарока ва таолонинг тавҳидига чақирганлари хусусида келган хабарлар ҳақида бўлиб, бунга далил сифатида, Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтган:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз розияллоҳу анҳуни Яман сари жўнатар эканлар, унга шундай дедилар: **“Сен аҳли китоблардан бўлган қавмнинг олдига боряпсан. Уларни биринчи даъват қиладиган нарсанг Аллоҳ таолони ёлғиз деб билишлари бўлсин. Қачонки улар буни билиб олишса, Аллоҳ уларга бир кеча кундузда беш (маҳал) намозни фарз қилганини айт...”**” ҳадиси, шунингдек,

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Эй Муоз, Аллоҳнинг бандалардаги ҳаққи нималигини биласанми?”** дедилар. У: “Аллоҳ ва Унинг Расули яхши билади”, деди. **“У Зотга ибодат қилиб, ҳеч нарсани ширк келтирмасликларидир...”**¹¹⁵ ҳадиси ва бошқа ҳадисларни келтирган.

Ушбу ҳадисларда ҳам урғу берилган ва таъкидланган иш, бу Аллоҳ таолони ёлғиз деб, У Зотга ҳеч бир нарсани шерик қилмаслик бўлиб, ундан сўнг бошқа ишлар буюрилган.

Кейинги боблардан бирида Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятга кўра: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **“Аллоҳ таоло ерни қабзага олади, ўнг қўли билан (етти) осмонни қатлайди, кейин: “Подшоҳ Менман! Қани ернинг подшоҳлари?” дейди”**.

Ушбу ҳадисда Аллоҳ таолога нисбатан “қабза” сўзининг ишлатилиши ақидага оид масаладир. Саҳиҳ хабарларда келтирилган бундай маълумотларга қандай бўлса, шундайлигича иймон келтириш, уларнинг тугал маъносини Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, кейинги яна бир бобда, Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган: **“(Дўзахийлар) дўзахга улоқтирилаверади, у эса “Яна борми?” деяверади. Ниҳоят, оламларнинг Робби унга Қадамни қўяди....”** ҳадисида келган “қадами” ҳам, “Аллоҳнинг қабзаси”, “қулиши”, “юзи”, “қўли”, “кўзи” ва шу каби васфлар Аллоҳ таолонинг Ўзига хос сифатлари бўлиб, махлуқотларнинг сифатларидан мутлақо бошқадир. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, бу сифатларга уларнинг қандайлигини тасаввур қилмаган, суриштирмаган ҳолда иймон келтириш вожибдир. Бу борада Аллоҳ

¹¹⁵ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. Дамашк – Байрут: Дор ибн Касир, 2002. – Б. 1820.

таолонинг “У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир”¹¹⁶, деган сўзи асосий қоида бўлади¹¹⁷.

Ушбу боблар орасида аллома ўзининг сўзлари ва хулосаларини ҳам баён этган. Мисол учун, “Осмонлару ер ва бошқа махлуқотларнинг яратилиши хусусида келган хабарлар ҳақида боб”да “Бу (яратиш) Робб табарока ва таолонинг феъли ва амридир. Ҳа, Робб Ўзининг сифатлари, феъли ва амри биландир. У яратувчидир, У бор қилувчидир, махлуқ эмасдир. Унинг феъли, амри, яратиши, бор қилиши билан (пайдо) бўлган нарсалар қилинмишдир, яратилган, бор қилингандир”¹¹⁸.

Заҳабий Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи”даги “Тавҳид китоби”дан нақл қила туриб, шундай дейди: “Сўнгра у (Бухорий) жаҳмийлар инкор этган яъни, олийлик, калом, икки кўл ва икки кўз каби кўп масалаларни бобларга ажратди. Ана ўша боблардан: Аллоҳ таолонинг “Унга хуш каломлар юксалур”¹¹⁹ сўзи ҳақида, Аллоҳ таолонинг “Икки кўлим билан яратган нарсага...”¹²⁰ деган сўзи ҳақида, Аллоҳ таолонинг “Кўзим олдида тарбияланишинг – вояга етишинг – учун”¹²¹, деган сўзи ҳақида, Робб аза ва жалланинг қиёмат куни набийлар ва бошқалар билан гаплашиши ҳақида ва шунга ўхшаш бобларни келтирдик, агар зийрак-фаросатли оқил инсон ўйлаб, фикр юритадиган бўлса, унинг бобларга таснифлашидан биладик, жаҳмийлар мана шуларни радд этади ва сўзларни ўз жойидан бузиб ўзгартирадилар”¹²².

Шундан сўнг аллома, “Роббнинг Жаброил билан гаплашиши ва Аллоҳнинг фаришталарга нидо қилиши ҳақида”, “Робб аза ва жалланинг қиёмат куни набийлар ва бошқалар билан гаплашиши ҳақида”, “Роббнинг жаннат аҳли билан сўзлашиши ҳақида” каби бир неча бобларни келтириб, уларда Аллоҳ таолонинг калом сифатини исботлаш учун ушбу сифатга оид оятлар, ҳадислар ва уларга доир салаф-солихларнинг тафсирлари ҳамда асарларидан зикр қилиб, ўзининг ушбу буюк асари бўлмиш “Саҳиҳи”ни “Тавҳид китоби” ва ушбу китобни Аллоҳ таолонинг “Калом” сифатига оид боблар билан тугатган.

Учинчи: Бухорий “Саҳиҳи”да бошқа эътиқодий масалаларни ўз ичига олган китоблар ва бобларни тартиблаган бўлиб, жумладан, пайғамбарларга иймон, пайғамбарлик аломати, охират куни, ғайбга, охиратдаги сурни

¹¹⁶ Исро сураси, 11-оят

¹¹⁷ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳул Бухорий – Олтин силсила. Ж. 8. – Тошкент: “HILOL NASHR” нашрети, 2019. – Б. 540.

¹¹⁸ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. Дамашқ – Байрут: Дор ибн Касир, 2002. – Б. 1841.

¹¹⁹ Фотир сураси, 10-оят.

¹²⁰ Сод сураси, 75-оят.

¹²¹ Тоҳа сураси, 39-оят.

¹²² Ҳофиз Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Ал-Улув лил-Алий ал-Ғаффор. Ар-Риёд: Мактабату азвоу ас-салаф, 1995. – Б. 187.

пуфлаш, маҳшарга тўпланиш, қиёматда қасос олиш масаласи, қадар, жаннат, ҳавз, сирот, жаннат ва жаҳаннам сифатлари, яратилишга тааллуқли бўлган нарсалар, фаришталар, шайтон ва унинг аскарларининг сифатлари, жинлар ва уларга бериладиган ажру савоб ва азоб укубат зикри, шунингдек, яхшилик ва ёмонлик тақдирдан эканига иймон келтириш, унинг даражаларини зикр этиш каби бир неча эътиқодий масалаларга тўхталган ва ўзининг услубига кўра оят-ҳадислардан далиллар келтирган.

Имомат масаласи, эшитиб итоат этиш, аҳли сунна вал жамоани маҳкам тутиш, қандай фитна бўлишидан қатъий назар, ундан эҳтиёт бўлиб сақланиш, саҳоба розияллоху анхумларнинг фазилатлари, уларнинг мақтовларга сазовор хусусиятлари ва шунингдек динга янгилик киритиш ва шундайлардан эҳтиёт бўлиш каби бир қатор масалаларга тўхталиб¹²³, уларнинг баъзиларини алоҳида китоб остида алоҳида бобларда келтирган бўлса, баъзиларини турли китобларда келтирган.

Юқорида тақдим этилган маълумотларнинг хотимаси сифатида баъзи олимлар тарафидан ўрганилган алломанинг ақидаси билан қисқача танишиб ўтилса фойдадан холи бўлмайди. Чунки, Имом Бухорий аҳли сунна вал жамоанинг энг кўзга кўринган олими сифатида ўз ақидавий қарашларини ҳам баён қилиб кетган бўлиб, унинг эътиқодий фикрлари ва бу эътиқодга далил бўлган маълумотларни кейинги авлод кўз қорачиғидек сақлаб ва уларга бекаму кўст амал қилиб келмоқда.

Имом Бухорий ўз ақидасини баён қилар экан, унга жами устозлари, бутун ислом оламидаги энг таниқли уламолар кўшилгани ва ҳамфикр эканини айтиб, ўша уламоларнинг муборак номларини бирма-бир зикр қилиб чиққан. Бу эса Имом Бухорийнинг эътиқоди нақадар тўғри экани, шунингдек, ҳозирги ва кейинги давр авлодлари ҳам ушбу ақидада ҳаёт кечирмоғи лозимлигини билдиради. Бу эса аҳли сунна вал жамоанинг энг устувор ақидаси эканини таъкидлайди.

Имом Бухорийнинг эътиқоди Ибн Асокирнинг кўп жилдли машҳур “Тариху мадинати Дамашқ” асарида ҳамда Ҳибатуллоҳ Лолақойининг “Шарҳ усули эътиқод аҳли ас-сунна ва ал-жамоа” асарида келтирилган¹²⁴. Шунингдек, имом Заҳабий ҳам имом Бухорийнинг мазкур ақидавий матнига “Сийар аълом ан-нубало” асарида ўзининг ривоят санади билан ишора қилиб кетган¹²⁵.

¹²³ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халқу афъол ал-ибод ва ар-род ала ал-жаҳмийя ва асҳоб ат-таътил. Тадқиқотчи: Фаҳд ибн Сулаймон ал-Фаҳид. Ж. 1. Ар-Риёд: Дор Атлас ал-Ҳазроъ, 2005. – Б. 61.

¹²⁴ Ибн Асокир. Тариху мадинати Дамашқ. Ж. 52. Ар-Риёд: Дор ал-фикр, 1997. – Б. 58-60; Ҳибатуллоҳ Лолақой. Шарҳ усул эътиқод аҳли ас-сунна вал жамоа. Ж. 1. Миср: Дор ал-Басира, 2001. – Б. 162-164.

¹²⁵ Шамсуддин Заҳабий. Сияру аълом ан-нубалоъ. Ж. 12. Байрут: Муассаса ар-Рисола, 1983. – Б. 407-408.

Айтиб ўтилганидек, Имом Бухорий ўз ақидасини баён қилишдан олдин ушбу ақидаларга жами устозлари ва бутун ислом оламидаги энг таниқли уламолар кўшилганини, унга ҳамфикр эканини алоҳида қайд этган. Бу эса ушбу ақидалар мажмуи нақадар ҳақ ва айнан аҳли сунна вал жамоанинг ақидавий қарашлари мазкур ақидавий таълимотлардан шаклланган эканини билдиради.

Имом Бухорий ўз устозларининг номларини зикр қилар экан: “Илм аҳлидан бўлмиш минг нафардан ортиқ зотлар билан учрашдим. Улар Ҳижозлик, Маккалик, Мадиналик, Кўфалик, Басралик, Воситлик, Бағдодлик, Шомлик, Мисрлик эдилар. Улар билан бир неча мартадан, авлодма-авлод, такрор ва такрор учрашганман. Улар билан танишганимда жуда кўп эдилар. Ўшандан буён қирқ олти йилдан ошдики, улар билан учрашиб келаман. Шом, Миср ва Жазира (араб ярим ороли) уламолари билан икки мартадан учрашдим, Басрага тўрт марта бордим. Йиллар давомида қанча-қанча олимларни кўрдим. Ҳижозда олти йил истиқомат қилдим. Хуросон муҳаддислари билан бирга, Кўфа ва Бағдодга неча бор кирганлигимни эслай ҳам олмайман”, деб улардан баъзиларини номларини санаб ўтгандан кейин шундай дейди:

“Ушбу номлари зикр қилинган уламолардан бирорталари қуйидаги масалаларда ихтилоф қилганларини кўрмадим:

Албатта дин сўз ва амалдир. Бу эса, Аллоҳ таолонинг: **«Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, бошқа динларга мойил бўлмасликка, намозни тўлиқ ўқишга, закот беришга буюрилган эдилар. Ана шу тўғри миллатнинг динидир»¹²⁶**, сўзига биноандир:

Албатта, Қуръон, Аллоҳ таолонинг: **«Албатта осмонлару ерни олти кунда яратган, сўнгра Аршни эгаллаган Роббингиз, бири-бирини ортидан кетма-келувчи кеча ва кундузни, қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди»¹²⁷**, сўзига кўра, Унинг каломидир, у яратилмаган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил (имом Бухорий) деди: Суфён ибн Уяйна раҳимахуллоҳ: “Аллоҳ таоло халққа буйруқларини очиқ баён қилди”, деганлар. Бунга Аллоҳ таолонинг: **«Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш унинг Ўзига хосдир. Оламларнинг Робби-Аллоҳ буюқдир»¹²⁸**, сўзида ишора бор.

¹²⁶ Баййина сураси, 5-оят.

¹²⁷ Аъроф сураси, 54-оят.

¹²⁸ Аъроф сураси, 54-оят.

Аллоҳ таолонинг қуйидаги: «Тонг Роббисидан У яратган нарсалар ёмонлигидан паноҳ сўрайман, деб айт»¹²⁹, ва яна «Ҳолбуки, сизни ҳам, қолган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!»¹³⁰. Шунингдек, «Албатта Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик»¹³¹, оятларига биноан, албатта, яхшилик ва ёмонлик тақдир билан бўлади.

Уламоларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг: «Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқани, кимни хоҳласа, кечиради»¹³², сўзига кўра қибла аҳлидан бўлган бирор кимсани гуноҳ сабабли кофирга чиқармаганлар.

Улардан бирортасининг Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларига таъна қилганларини кўрмадим. Зотан, Ойша розияллоҳу анҳо: “Мўъмин-мусулмонлар саҳобаларга истиғфор айтишга буюрилганлар”, деганлар. Бу Аллоҳнинг мана бу амридир: «Улардан кейин келганлар: «Эй Роббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин, қалбимизда иймон келтирганларга нафрат солмагин, эй Роббимиз, албатта, сен шафқатли ва меҳрибонсан», дерлар»¹³³.

Барча уламолар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у зотнинг саҳобалари қилмаган (ва айтмаган) ишлар – бидъатлардан қайтарар эдилар. Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу оятлари далил бўлади: «Барчангиз Аллоҳнинг арқонини (Қуръонни) маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг!»¹³⁴, бошқа бир оятда: «Агар унга итоат қилсангиз, ҳидоят топурсиз»¹³⁵.

Барчалари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда у зотга эргашганларнинг йўли – суннатига тарғиб қилганлар. Аллоҳ таолонинг: «Албатта, бу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашинг. Ва бошқа йўлларга эргашманг. Бас, сизни Унинг йўлидан адаштирмасинлар. Мана шу сизга қилган амрики, шояд тақво қилсангиз»¹³⁶.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Уч нарса бор, мусулмон кишининг қалби уларга адоватли бўлмайди. Улар, Аллоҳ учун амалга ихлосли бўлиш, ишбошиларга итоат қилиш ва уларнинг жамоатини лозим тутиш”¹³⁷, деган сўзларига кўра, ишбошилар билан иш юзасидан низо-жанжал қилмаймиз! Зотан, мусулмонларнинг дуолари уларни атрофларидан (шайтон ҳийлалари ва залолатдан асраб) ўраб туради.

¹²⁹ Фалақ сураси, 1-2-оят.

¹³⁰ Ас-Саффот сураси, 96-оят.

¹³¹ Қамар сураси, 49-оят.

¹³² Нисо сураси, 116-оят.

¹³³ Ҳашр сураси, 10-оят.

¹³⁴ Оли Имрон сураси, 103-оят.

¹³⁵ Нур сураси, 54-оят.

¹³⁶ Анъом сураси, 153-оят.

¹³⁷ Имом Термизий ривоят қилган. “Сунан Термизий”, Илм китоби, 7-Боб, 2870-ҳадис. Ал-Мактаба аш-шомила.

Чунки, буни Аллоҳ таоло Ўз сўзида таъкидлаб: «Аллоҳга итоат қилинг, **Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг!**»¹³⁸ деган.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматига қарши қурол кўтармаймиз.

Фузайл ибн Иёз: “Агар менинг мустажоб бўладиган битта дуойим бўлганида эди, уни фақат подшоҳ ҳаққига (дуои хайр) қилган бўлардим! Чунки, подшоҳ солиҳ бўлса, шаҳарлар ва бандалар омонда бўлади”, деганлар. Шунда Абдуллоҳ ибн ал-Муборак буни эшитиб: “Эй, яхшилиқни ўргатувчи! Сиздан бошқа ким ҳам буни қила олар эди!”, деган эканлар”¹³⁹.

Лолақойининг имом Бухорийдан ривоят қилиб келтирган мазкур ривоят ва олимнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида келган эътиқодий қарашларига диққат эътибор билан назар солинса, алломанинг ақидавий қарашлари соф аҳли сунна вал жамоа эътиқодида муҳим аҳамият касб этганига гувоҳ бўлинади. Аллома иймон ҳақида гапирар экан, дин сўз ва амалдир, дейиши, унинг шофеъий-ашъарийларга мойил эканига ишора қилса, Қуръоннинг махлук¹⁴⁰ эмаслиги, бандаларнинг амаллари махлуклиги, аҳли қибланинг гуноҳи кабира қилиши билан кофир бўлмаслиги, саҳобаларга таъна қилмаслик, бидъатлардан тийилиш ва суннатларни тирилтириш саҳобаларнинг ишларидан экани, жамоатни лозим тутиш ва иш бошиларга итоат этиш ҳамда уларнинг ҳақларига дуои хайрлар қилиш каби бир неча эътиқодий масалалар ҳақида айтган гаплари, унинг мотуридий, ашъарий ва умуман олганда аҳли сунна вал жамоа мазҳабидан ташқарида бирор гап айтмаганига далил бўлади.

Шунинг учун баъзи бир имом Бухорийни ўзларига далил қилиб, бўлар-бўлмас баҳоналар билан мўмин мусулмонларни кофирликда айблаётган “бемазҳаб”, “салафий”ларга алломанинг ушбу эътиқодий қарашларини ҳам яхшилаб ўрганиб, ҳаётларига татбиқ этмоқлари тавсия қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018.

2. Абулқосим Ҳибатуллоҳ ибн Ҳасан Лолақой. Шарҳ усул эътиқод аҳли ас-сунна ва ал-жамоа. Саудия – Ар-Риёд: Дор Тойба, 1995.

¹³⁸ Нисо сураси, 59-оят.

¹³⁹ Абулқосим Ҳибатуллоҳ ибн Ҳасан Лолақой. Шарҳ усул эътиқод аҳли ас-сунна ва ал-жамоа. Ж. 1. Саудия – Ар-Риёд: Дор Тойба, 1995. Б. 193-194-195-196-197.

¹⁴⁰ Яратилган.

3. Ибн Асокир. Тариху мадинати Дамашқ. Ар-Риёд: Дор ал-фикр, 1997.
4. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. Дамашқ/Байрут: Дор ибн Касир, 2002.
5. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳул Бухорий - Олтин силсила. Тошкент: "HILOL NASHR" нашрети, 2019.
6. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Халқу афъол ал-ибод ва ар-род ала ал-жаҳмийя ва асҳоб ат-таътил. Тадқиқотчи: Фаҳд ибн Сулаймон ал-Фаҳид. Ар-Риёд: Дор Атлас ал-Ҳазроъ, 2005.
7. Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Ал-Улув лил-Алий ал-Ғаффор. Ар-Риёд: Мактабату азвоу ас-салаф, 1995.
8. Шамсуддин Заҳабий. Сияру аълом ан-нубалоъ. Байрут: Муассаса ар-Рисола, 1983.
9. Абу Исо Термизий. Сунан Термизий. Ал-Мактаба аш-шомила.